

УСМОН АЗИМ ШЕЪРЛАРИДАГИ ОККАЗИОНАЛИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

У. Ш. Эгамов, ЖДПИ, Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши 2-босқич магистранти.

“Бадиий ижодда шоир ва ёзувчилар доимо янги сўз ясашга интилиб келадилар. Бу қонуниятдир. Чунки сўзнинг тасвирий имкониятидан мумкин қадар кенг фойдаланишга интилиш, кутилмаган, ғайриодатий, янги образлар яратиш эҳтиёжи, ифодани янгича тарзда бериш зарурати ижодкорларни ана шундай йўл тутишга ундайди.”¹ Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, адиблар ва ёзувчиларнинг дунёқарашига хос бўлган, фақат уларнинг асарларида учрайдиган, умумхалқ тилида оммалашиб кетмаган ясалмалар, фавқулотда ўзгача қўллашлар- **окказионализмлар** вужудга келади.

Ўзбек тилидаги окказионал сўзларнинг ясалиш усуллари С.Тошалиева томонидан ўрганилгани маълум.² Кейинчалик окказионализмларнинг бадиий нутқдаги бадиий-эстетик вазифалари О.Тўхтасинова монографиясида тадқиқ қилинди.³

Аммо ўзбек тилида мавжуд бўлган окказионал сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳали етарли даражада тўпланган ва тадқиқ қилинган деб бўлмайди. Бундай сўзлар турли адибларнинг бадиий, публицистик, сатирик-юмористик асарлари матнида мавжуд.

Мана шундай манбалар қаторига Усмон Азим асарларини ҳам қўшиш мумкин. Бизнинг Усмон Азим шеърий асарлари матни юзасидан олиб борган кузатишларимиз уларда бир қатор характерли окказионал сўзлар мавжудлигини кўрсатди. Усмон Азим шеърларида окказионализмлар ҳосил бўлиш усулига кўра икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

¹ Йўлдошев М. Бадиий матн ва лингвопоэтик таҳлил асослари.-Т.:Фан, 2007 Б.31

² Тошалиева С. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши: Филол.. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Т., 1998. 27 б.

³ Тўхтасинова О. Ўзбек тилида лексик окказионализмлар ва уларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Т., 2007. – 22 б

1. Семантик (маъновий) окказионализмлар.

2. Аффиксация усулида ҳосил қилинган окказионализмлар.

Семантик (маъновий) окказионализмлар. Шоир тилимизда мавжуд баъзи сўзларни фавқулодда, янги маъноларда қўллайди ва натижада, маъновий окказионал қўллаш юзага келади. Сўзлар семаси янгиланиб ҳам янгилик буёғини олиш мумкин:

***Босиқ** дўст эдилар одам билан ит,*

*Энг оғир дамларда **ҳозир**-мададкор. 128-бет*

“Босиқ”лик белгиси асли кўчма маънода қўлланган. Бу сўз халқимизда ўзини тутиб олган, фикр-мулоҳазали, вазмин инсонларга нисбатан қўлланилади. Бу ерда эса дўстликка нисбат берилган. “**Ҳозир**” сўзида эса “пайдо бўлиш”, “**тайёр**” семалари акс этган.

Энди мендан кетди ихтиёр

Юрагимни қўйиб кафтимга,

Шивирлайман бесабр, такрор

***Қибланомам**, йўл кўрсат менга... 82- бет.*

Қибланомам окказионализми арабча “**қибла**” сўзига тожикча “**намо**” сўзи “**кўрсатиш**” маъносини қўшиб тузилган. Бу сўз шоир шеърлятида кўчма маънода ишлатилган бўлиб, “**юксак қадрга лойиқ киши-ота**”, “**йўл кўрсатувчи**” маъноларида ишлатилган.

2. Аффиксация (морфологик) усули. Аффиксация (морфологик) усул билан ясалган окказионализмлар шоир ижодида баракали қўлланилган. Бу эса шоир шеърларининг ўқишли, оҳангдор бўлишини таъминлаган.

Буни шоирнинг “**Бир дарахтнинг сўнгги қўшиғи**” шеърида кўришимиз мумкин:

Алвидо! Мен энди мақсадга етдим,

***Богдошлар**, сўнг йўлга кузатинг, қани..*

Мен ўтин бўлгани узлатга кетдим

Мен кетдим дўстларим, олов бўлгани.. 17 –бет.

Аффиксация (морфологик) усулда ҳосил бўлган окказионализмларни шахс оти ясовчи қўшимчалар иштирокида ҳамда ўрин–жой оти ясовчи қўшимчалар иштирокида ҳосил бўлган ясалмаларга бўлиш мумкин. Юқоридаги мисолда “**Боғдошлар**” сўзи келтирилган. Мазкур сўз **боғ** асосига –**дош** шахс оти ясовчи аффикс қўшилишидан ҳосил бўлган. (Боғ+дош=боғдош). Шоир бу шеърда жонлантириш санъатидан унумли фойдаланган. Умри тугаб, қуриган дарахт ўз яқинларига, яъни боғдошларига умри тугаганлиги ва ўтин бўлгани кетаётганлиги ҳақида мурожаат қилапти. Бу ерда шоир дарахт тилидан ўз яқинларига илтижо қилаётган кишиларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Шоир ўзи ясаган мазкур ясалма билан шеърнинг янада гўзал бўлишига эришган. Бу окказионализм халқ тилида оммалашиб кетмаган, фақат шоир шеърларидагина учрайди. Окказионализмлардан керакли ўринлардагина фойдаланиш шоир ижодкорлигидан, маҳоратидан далолат беради.

Усмон Азим шеърларида ўрин-жойи ясовчи аффикслар ёрдамида ясалаган окказионализмлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди:

Балки тирик сатрим

Чўккан кўнглинг кўтариб

*Учган **гамхона** ердан*

Орзу осмони сари...

(**Мўмин Мирзони**нг сўнгги қўшиғи) 23–бет.

Ғам- бу арабча сўз **g`amm(un)** шаклига эга. (АРС, 570) ўзбек тилига сўз охиридаги **mm** товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган. **G`amm(un)** → ғам; **G`amma** феълининг “**хафа қилди**” маъноси билан ҳосил қилинган бўлиб, **рухий азоб**”, “**қайғу**” маъносини англатади. (ЎТИЛ, II, 65)⁴ Бу сўз ўзбек тилига арабча ғам сўзига “уй” маъносини англатувчи тожикча хона

⁴ Ўзбек тилининг этимологик луғати, 2-жилд(Шавкат Раҳматуллаев) , Тошкент: “Университет” 2003 й, 517 бет.

сўзини қўшиб тузилган бўлиб, “Қайғу, алам ҳукмрон жой” маъносида ишлатилган.

Оёқ-қўлим занжирда,

Ҳибсхона қоп-қаро.

Тўрт томонда солланар

Хоин муштлар кўлкаси.

(Мўмин мирзонинг сўнгги қўшиғи) 23–бет.

Бу окказионализм ўзбек тилига арабча **ҳибс** сўзига тожикча “уй” маъносини англаган тожикча **хона** сўзини қўшиб тузилган бўлиб, “**ҳибсга олинган кишилар сақланадиган хона**” маъносини англаган. (ЎТИЛ, II, 695). Бундай сўз тожик тилида **ҳабсахона** тарзида тузилган бўлиб, (ТЖРС, 494), **habsaxanat(un)** шаклида араб тили луғатига ҳам киритилган. (АРС, 154) ⁵ Мазкур сўз ҳозирги ўзбек адабий тилимизда қамоқхона тарзида ҳам учрайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Усмон Азим шеъриятидаги окказионал ясалмалар оммалашиб кетмаган тақдирда ҳам, унинг шу матнда таъсири бўлиши шубҳасиз. Негаки, у ҳиссиётни янгича тарзда ифодалайди, янги маъно акс эттиради. Усмон Азим шеъриятидаги окказионализмлар ҳам янги семантик оттенкаларнинг пайдо бўлишига асос яратиб, матнда маълум бир услубий вазифани бажаришга хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йўлдошев М. Бадиий матн ва лингвопоэтик таҳлил асослари. – Т.: Фан, 2007. Б.31
2. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Т.: Фан, 1988. – 208 б.
3. Тўхтасинова О. Ўзбек тилида лексик окказионализмлар ва уларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари: филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Т., 2007. – 22 б.
4. Ўзбек тилининг этимологик луғати, 2-жилд (Шавкат Раҳматуллаев), Тошкент: “Университет” 2003 й, 517 бет.

⁵ Ўша асар, 503 бет